

«Ўзбекинвест» ЭИСК» АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2023 йил «17» августдаги баёни билан
«ТАСДИҚЛАГАН»

**“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта компанияси” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши тұғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тұғрисида”ги ва “Сұғурта фаолият туғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги қарори ва “Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта компанияси” акциядорлик жамияти уставига мувофиқ ишлаб чиқылган.

2. Ушбу Низом “Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) Акциядорларининг умумий йиғилишининг мақомини, фаолиятини, уни үтказиши ва қарор қилиш тартибини белгилайди.

3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори ижро органидир. Акциядорларнинг умумий йиғилишнинг вазифалари ва ваколатлари қонунчилік ва Жамият устави орқали тартибга солинади.

4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) үтказиши шарт. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши шахсан қатнашиш шаклида үтказилади.

5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай үтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Кузатув Кенгашы ва Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш тұғрисидаги, Жамият ижро ўргани Раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мүмкінлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва қонунда назарда тутилған бошқа масалалар күриб чиқылади.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа үтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

7. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши үтказиладиган сана, жой ва тартиби, уни үтказиши тұғрисида акциядорларга маълум қилиш шакли, акциядорлар Умумий йиғилишини үтказишига тайёргарлик жараёнида акциядорларга тақдим этиладиган материал (ахборот)лар рўйхати Кузатув Кенгашы томонидан белгиланади.

8. Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ва навбатдан ташқари йиғилишларининг харажатлари Жамият маблағи ҳисобидан қопланади.

2-боб. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари

9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- а) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Жамият уставини тасдиқлаш;
- б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
- в) Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г) Жамият Кузатув Кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш;
- ж) Жамият ўз акцияларини олиш;
- з) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- и) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- к) жамиятнинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- л) Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- м) Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиш;
- н) дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- о) Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва уларнинг вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳаражатларнинг компенсацияси миқдорини белгилаш;
- п) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- р) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- с) амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда йирик битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- т) амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

у) мажбурий аудиторлик текшируванинің үтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг бошқа ижро органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур Низомни, Жамият кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, ижро органи ва Саноқ комиссияси тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди.

11. Куйида кўрсатиб ўтилган масалалардан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари Умумий йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлмиш акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш «бир акция - бир овоз» тартибида амалга оширилади.

Низомнинг 9-банди “а”, “б”, “в”, “д”, “м” ва “с”-кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Акциядор Жамият кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаётганда, ўзига тегишли акциялар бўйича битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп микдорда овоз олган номзодлар Кузатув кенгаш таркибиға сайланган ҳисобланади.

12. Ушбу Низомнинг 9-банди “а”, “б”, “д”, “е”, “ж”, “з”, “л”, “м”, “р”, “с”, “т”, “ф”-кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор фақат Жамият кузатув кенгашининг таклифи билан қабул қилинади.

З-боб. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи ва акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан үтказиш

13. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

14. Акциядорларнинг умумий йиғилишда катнашувчи акциядорларнинг рўйхати Саноқ комиссияси томонидан тузилади ва имзоланади. Акциядорлар

рўйхатида хар бир акциядор ва унга тегишли акцияларнинг сони ва тури тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва йиғилиш бошлангунча рўйхатдан ўтишлари керак.

15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

16. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига ўзгартиришлар рўйхатни тузиш санасида кўрсатиб ўтилган рўйхатга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки уни тузишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳолларидагина қонун хужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

17. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар рўйхатига киритилган, Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Жамият аудитори, Жамият кузатув кенгаши ва Жамият ижро органи аъзолари, Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, йиғилишга кузатув кенгаш, ижро органи ва Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун овоз бериш бюллетенига киритилган шахслар таклиф этиладилар.

18. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим.

Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома мазкур Низомнинг 23-бандида келтирилган тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак.

19. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

20. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

21. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса - нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

22. Жамият акциядори бўлган юридик шахс раҳбари Умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат хамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

23. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

24. Умумий йиғилишга келган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига мувофиқ юритилади. Ушбу рўйхат Жамият акциядорлар реестри бўйича Жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган санадаги маълумотлар асосида тузилади.

25. Жамият Акциядорларининг умумий йиғилишида ҳар бир минтақа (вилоят, туман)дан акциядорлар вакиллари (делегат) иштирок этишлари мумкин. Улар Жамиятнинг филиалларида, акциядорлар–юридик шахслар жойлашган ва акциядорлар–жисмоний шахслар яшайдиган жойлари бўйича ўтказиладиган минтақавий йиғилишларда сайланадилар.

26. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорлар вакилларини сайлаш тартиби ва ваколат меъёри Жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Бунда Жамият кузатув кенгаши ва акциядорлар қуйидагиларга амал қиласидилар:

ҳар бир акциядор йиғилишда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш масаласини мустақил ҳал этади. Ваколат меъёрларининг энг кам чегараси белгиланмаган;

ваколат меъёрларини белгилаш овоз берувчи акцияларни акциядорлар вакиллари ўртасида teng равища тақсимланишини назарда тутмайди;

27. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида Жамият кузатув кенгаши қарор қабул қилгунга қадар акциядор (акциядорлар) умумий йиғилишнинг кун тартибини тузиш жараёнида, Жамият кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси хамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз манфаатларини ифодалаш учун ишончли вакилни танлаш ҳуқуқига эга. Жамият кузатув кенгаши ва ижро органи бу масалада акциядорларга керакли ёрдам кўрсатишлари керак.

28. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатига мувофиқ ҳар бир филиалда минтақавий йиғилишларни ўтказиш учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги акциядорларни қайд этиш рўйхати тузилади. Акциядорларни қайд этиш рўйхати муқоваланган, рақамланган, тикилган, филиал муҳри билан мустаҳкамланган бўлиши ва минтақавий

йиғилиш ўтказиб бўлингандан кейин минтақавий филиал баённомаси билан бирга Жамиятнинг саноқ комиссиясига топширилиши керак.

Минтақавий йиғилишларда акциядорлардан олинган ишончнома асосида акциядорларнинг ҳар бир сайланган вакилига ушбу Низомга 2а-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатга олиш карточкаси тузилади.

29. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши иштирокчилари ва уларнинг вакилларини рўйхатдан ўтказиш учун Жамиятнинг бош оғисида ушбу Низомга 2б-иловага мувофиқ шакл бўйича акциядорлар вакилларини қайд этиш рўйхати тузилади. У муқоваланади, рақамланади, тикилади ва Жамиятнинг мухри билан мустаҳкамланади.

30. Умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари овоз бериш бюллетенларини олганликлари тўғрисида қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар. Бу бюллетенда ишончнома берганларнинг тақдим этилган овоз берувчи акцияларнинг сони, акциядорлар вакилининг қайд этиш карточкаси рақами кўрсатилади.

31. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузилган санадан сўнг ва Умумий йиғилиш ўтказиладиган санагача акциялар бошқа шахсга белгиланган тартибда берилган тақдирда, Жамият ҳужжатни сотиб олган шахсга сотиб олинган акциялар бўйича унинг овоз бериш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бериши лозим.

4-боб. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш

32. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Жамият кузатув кенгаши қўйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

умумий йиғилишнинг кун тартиби;

умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартиби;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати;

овоz бериш бюллетенининг шакли ва матни.

33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар мазкур Низомнинг 15-бандида келтирилган тартибда юборилади.

34. Жамият акциядорнинг талабига кўра унга уни Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқини берувчи акциядорлар рўйхатига киритиш тўғрисидаги ахборотни (текин) беришга мажбурдир.

35. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини танишириш тартиби.

36. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган материалларга Жамиятнинг йиллик ҳисботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият ижро органи Раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Жамият кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига, Жамиятнинг ижро органлари тўғрисидаги низомларга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

37. Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига доир таклифлар ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шакл бўйича Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 5 мартдан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Номзодлар сони ушбу органлар сон таркибидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

38. Акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

39. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Жамият кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

40. Жамият кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 37-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига

киритиши тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

41. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

ушбу Низомнинг 38-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг ушбу низомнинг 38-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу Низомнинг 39-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
таклифлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

42. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

43. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш

44. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ ёзма талаби асосида ўтказилади.

45. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

46. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

47. Жамият кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан

ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

48. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқсан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

49. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

50. Тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичida Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

51. Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу низомнинг 44-бандида назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

52. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидағи асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

53. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

54. Жамият кузатув кенгаши ушбу Низомда белгиланган муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий

йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

55. Жамият томонидан Жамият кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқишида акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ тартибда чақирилади.

6-боб. Акциядорлар Умумий йиғилишининг кворуми

56. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

57. Агар йиғилиш бошланиши учун белгиланган вақтдан сўнг 60 минутдан ортиқ вақт давомида кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

58. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу низомда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

59. Агар такрорий йиғилишда кворум тўпланмаса, у ҳолда акциядорлар ташаббуси билан чақирилаётган йиғилиш бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади ва бундан кейин чақирилмайди. Жамият кузатув кенгashi, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудиторининг ташаббуси билан Жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами бўлиб камида 50 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (уларнинг вакиллари) ҳозир бўлиши таъминланмагунча қайтадан чақирилаверади.

60. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7-боб. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари

61. Акциядорлар умумий йиғилиш ишчи органлари бўлиб Раёсат, Саноқ комиссияси ва Котибият ҳисобланади.

62. Акциядорлар умумий йиғилиши Раёсати ва раиси Акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Бунда Акциядорлар умумий йиғилиш Раёсат таркибиға лавозимига кўра Жамият кузатув кенгаши раиси киради.

63. Акциядорлар Умумий йиғилиши Раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

64. Умумий йиғилиш Раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилиш ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маъruzачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

65. Умумий йиғилиш Раиси Умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

66. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгаши таклифига кўра, З (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда келгуси умумий йиғилишгача бўлган муддатга Умумий йиғилишнинг мустақил органи бўлмиш Саноқ комиссиясини сайлайди. Саноқ комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркиби, шунингдек у тўғрисидаги низом Жамият кузатув кенгашининг таклифига биноан Акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

67. Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати у Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан саноқ комиссиясининг якка таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади.

68. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Саноқ комиссияси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компаниясининг саноқ комиссияси тўғрисида”ти Низомга асосан қуидагиларни амалга оширади:

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

69. Акциядорлар умумий йиғилишида олдинги Умумий йиғилиш томонидан сайланган саноқ комиссияси қуидаги функцияларни амалга оширади:

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказади;

ишончномалар ва улар томонидан берилган хуқуқлар ҳисобини юритади;

Умумий йиғилиш қатнашчиларига овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни тақдим этади;

Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;

Умумий йиғилиш ишчи органларини сайлашни ташкил этади;

Бўлиб ўтаётган Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси:

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;

овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳужжатлари, шу жумладан овоз бериш бюллетенлари (муҳрланган ҳолда), ишончномалар (нусхалари) ва бошқа ҳужжатларни Жамият архивига топширади;

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларга маълумотнома ва рўйхатдан кўчирмалар беради.

70. Акциядорларнинг умумий йиғилиши очилишидан аввал Жамиятнинг саноқ комиссияси йиғилишга келган акциядорлар ва уларнинг вакилларининг рўйхатдан ўтиш натижалари, кворум мавжудлиги тўғрисида умумий йиғилишга ахборот беради. Рўйхатга олиш натижалари Жамият кузатув кенгаши Раиси ёки унинг ўринbosарларига топширилади.

71. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши оддий кўпчилик овоз билан йиғилиш Котибиятини сайлайди. Котибиятнинг миқдорий ва шахсий таркиби Жамият кузатув кенгаши таклифига қўра акциядорларнинг Умумий йиғилишида тасдиқланади.

72. Акциядорлар умумий йиғилишининг котибияти қуйидагиларни амалга оширади:

умумий йиғилишнинг ўтиш жараёнини ёзиб боради;

кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок этиш истагини билдирганларнинг ёзма буюртмаларини ёзиб боради ва уларни Раёсатга топширади;

акциядорлар умумий йиғилишиниг баённомасини тузади.

8-боб. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш

73. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

Жамиятнинг оддий (одатдаги) акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар кун тартибидаги барча масалалар бўйича;

Жамиятнинг имтиёзли акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар фақат Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари, шунингдек Жамият уставига имтиёзли акция эгалари бўлган акциядорларнинг ҳукуқларини чекловчи ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳукуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ микдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

Акциядор бўлмаган Жамият кузатув кенгashi ва ижро орнани аъзолари акциядорларнинг Умумий йиғилишида маслаҳат овози бериш ҳукуқига эга.

74. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси-битта овоз» қоидасига мувофиқ ўтказилади. Жамият кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш жараёнида акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни бир номзод учун тўлиқ беришга ёки уларни бир қанча номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли (кумулятив овоз бериш). Энг кўп овоз олган номзодлар Кенгаш таркибига сайланган ҳисобланадилар.

75. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш бюллетенлар ёрдамида амалга оширилади. Йиғилишни ўтказиш тартиби, ишчи органларни сайлаш оддий қўл кўтариш йўли билан амалга оширилади.

76. Овоз беришда акциядор (унинг вакили) қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқорида қайд этилган талабларга хилоф тарзда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб эътироф этилиб, уларда бу масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетени овозга қўйилган бир нечта масалани қамраб олган бўлса, бир ёки бир нечта масала бўйича юқорида қайд этилган талабга риоя этмаслик овоз бериш бюллетенининг бутунлай ҳақиқий эмас деб эътироф этилишига олиб келмайди.

77. Агар овоз бериш натижаларига кўра қарор учун умумий йиғилишга тақдим этилган овоз берувчи акцияларнинг ярмидан кўпи овоз берган бўлса, бундай қарор қабул қилинган ҳисобланади. Ушбу Низомнинг 11-бандида айтиб ўтилган масалалар бундан мустасно.

78. Умумий йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича овоз бериш амалга оширилмайди ва акциядорлар йиғилиши улар бўйича қарор қабул қилиш ҳукуқига эга эмас.

79. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишига Жамиятнинг тўланган барча капитали тақдим этилган бўлса, йиғилишни чақириш вақти ва шаклидан қатъий назар у қонуний деб топилади. Ушбу йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалаларни агар бу масалалар муҳокамасига овоз бериш ҳуқуқига эга барча акциядорлар розилик билдируса, ҳал этиш мумкин.

80. Жамият кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижро органи аъзолари уларни жавобгарликка тортиш ёки лавозимидан четлаштириш ёхуд улар томонидан имзолангандан ҳужжатларни тасдиқлаш масалалари ҳал этилаётган вақтда овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

81. Саноқ комиссияси овоз бериш якуnlари бўйича баённома тузади ва уни саноқ комиссиясининг раиси ва аъзолари имзолайдилар.

Овоз бериш якуnlари тўғрисидаги баённома Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилади.

9-боб. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби

82. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби акциядорларнинг ҳар бир Умумий йиғилишида ушбу Низомга мувофиқ тасдиқланади.

83. Жамият кузатув кенгаши Раиси ёки унинг ўринбосари саноқ комиссиясининг ахборотидан сўнг кворум мавжуд бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишини очади. У Раёсат, котибиятни ва саноқ комиссиясини сайланиши таклиф этади. Шундан сўнг Раёсат томонидан сайланган акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси бундан кейин йиғилишни олиб боришга киришади.

84. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маъruzачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

85. Йиғилиш давомида юзага келувчи жорий масалаларни раис бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиши ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал қиласди.

86. Кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок этиш истагини билдирганлар Умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманома берадилар.

87. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилингандан сўнг раис Акциядорлар умумий йиғилишини ёпик деб эълон қиласди.

10-боб. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси

88. Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

89. Котибият таркибини аниқлашга нисбатан ушбу Низомга мувофиқ Саноқ комиссияси аъзоларини тайинлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ Саноқ комиссияси аъзоларини тайинлашга қўйиладиган талабларга ўхшаш талаблар қўйилади.

90. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котибияти аъзолари томонидан имзоланади.

91. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

Жамият кузатув кенгаши, Ижро органи, Тафтиш комиссияси аъзолари ёки йиғилиш иштирокчиси бўлган ҳар қандай акциядорнинг эътиrozлари;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маъruzаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якуnlари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

92. Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар учун очик ҳужжат ҳисобланади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомалари акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомалари дафтарида қайд этилади. Ушбу баённомалар дафтари тикилади, рақамланади ҳамда Жамиятнинг муҳри билан тасдиқланади ва Жамият котибиятида сақланади.

93. Саноқ комиссияси баённомаси йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда Умумий йиғилиш баённомасига тикиб қўйилиши керак.

94. Баённома имзолангач, акциядорлар умумий йиғилишининг котибияти ва Саноқ комиссияси умумий йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан Умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, акциядорлар вакилларининг рўйхатга олиш карталарини, ишончномаларини, чоп этилган овоз бериш бюллетенларини, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш якуnlари тўғрисидаги баённомалар ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини ҳам ҳисобга олган ҳолда йиғилиш ҳужжатларини архивда сақлаш учун Жамият Котибиятига топширади.

95. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари бўйича қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

11-боб. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларини ижро этиш

96. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва йиғилиш баённомасида акс этмаган бўлса, Жамият қузатув кенгаши амалга оширади.

97. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари Умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, улар тегишли қисм бўйича бажарилиши мажбурийdir.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұфурта
компанияси” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши
түғрисида низомга
1-илова

ИШОНЧНОМА

Мен, _____, “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖНИНГ
____ та оддий акцияларига ва (ёки) ____ та имтиёзли акцияларига эгалик қилувчи акциядори
хисобланувчи _____ нинг раҳбари (директори, раиси)
_____ га
(юридик шахс номи)
акциядорлар умумий йиғилишида овоз беришда тегишли барча акциялар билан
_____ нинг манфаатларини ифодалаш учун ишонч
билираман.

(юридик шахс номи)

Ишонч билдирувчининг манзили:

Ишончли вакилнинг манзили:

Банк реквизитлари

Паспорт серия _____ -сон

Ишончнома ____ йил “__” ____ дан ____ йил “__” ____ гача ҳақиқийдир.
Раҳбарнинг имзоси _____ Сана _____

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғарта
компанияси” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши
түғрисида низомга
2-илова

**“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖНИНГ _____ филиалида миңтақавий йигилиш
ўтказиш учун акциядорларни
ҚАЙД ЭТИШ РҮЙХАТИ**

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұфурта
компанияси” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши
түғрисида низомга
2а-илова

“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖНИНГ _____ филиалида
МИНТАҚАВИЙ ЙИҒИЛИШ САЙЛАНГАН ВАКИЛНИ
РҮЙХАТГА ОЛИШ КАРТОЧКАСИ

Вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Ишончнома рақами	Ишончнома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғарта компанияси” акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилиши түғрисида низомга
26-илова

**«Ўзбекинвест» ЭИСК» АЖнинг ____ йил “__” _____да ўтказиладиган
_____ умумий йиғилиш иштирокчилари ва уларнинг
(йиллик, наубатдан ташқари) вакилларини
ҚАЙД ЭТИШ РЎЙХАТИ**

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта
компанияси” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши
түғрисида низомга
3-илова

“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ

акциядор _____ нинг
Акциядорлар умумий йиғилиши күн тартибига масалани киритиш түғрисидаги
ТАКЛИФИ

Талабнинг мазмуни (таклифнинг таърифи).

Жами акциялар сони _____ дона
 шу жумладан
 овоз берувчи акциялар сони ____ та (*АЖ жами овоз берувчи акцияларининг камида 1
 фоизи*)
 Ф.И.О.

(имзо, сана)

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта
компанияси” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши
түғрисида низомга
4-илова

“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ

акциядор _____ нинг
Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисидаги
ТАЛАБИ

Талабнинг мазмуні (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини
чақириш сабабининг таърифи).

Жами акциялар сони _____ дона
шу жумладан
овоз берувчи акциялар сони ____ та (*AЖ жами овоз берувчи акцияларининг камида 1
фоизи*)
Ф.И.О.

(имзо, сана)

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта
компанияси” акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши
тўғрисида низомга
5-илова

**Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш учун
акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини
ўтказишни ташкил этиш
ТАРТИБИ**

1. Кузатув кенгашининг фаолиятини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш:

кузатув кенгаси ташаббусига кўра;

тафтиш комиссияси (тафтишчи) талабига кўра;

ёзма талаб қўйилаётган санада жамиятнинг камида беш фоиз овоз берувчи акциялари эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра амалга оширилади.

2. Кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабларнинг сабаблари қуидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, жамият уставига, акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;

жамиятга зарар етказиш, акциядорларга зиён келтириш, шу жумладан, молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайиши, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмларининг асоссиз равишда камайиб кетиши сабабли;

жамиятнинг иқтисодий начорлиги (банкротлиги) белгиларининг мавжудлиги ёки пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар олдида, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича барқарор қарздорликнинг мавжудлиги.

3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб кузатув кенгашига берилади ҳамда унда йиғилиш кун тартибига киритилиши лозим бўлган масалалар аниқ сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда бўлиши керак.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабда кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари кун тартибига кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш тўғрисидаги таклиф бўлиши керак.

Йиғилиш кун тартибига кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш амалдаги кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масала умумий йиғилишда ижобий ҳал этилгандан сўнггина амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядор (акциядорлар)дан келиб чиқкан тақдирда унда акциядор (акциядорлар)га тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган ҳолда йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг фамилияси, исми, отасининг исми/номи бўлиши керак.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб уни чақиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

4. Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибининг масалалари таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этилган пайтдан бошлаб ўн кун ичида умумий йиғилишни чақириш ёки чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Талаб қаноатлантирилган тақдирда кузатув кенгаши талаб тақдим этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақиради.

Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги қарори ёки чақиришни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори у қабул қилинган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

5. Агар белгиланган муддатлар давомида қузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаган ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Прошито, пронумеровано

24 (Двадцать четыре) листов
от 14.08.2010

